

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 26 сентябрь, № 190 (5864) Пайшанба


Ахборот-коммуникация технологиялари:

# ЯНГИЛИКЛАР, ЮТУҚЛАР, ДАСТУРИЙ ИШЛАНМАЛАР

*Мамлакатимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги қизғин давом этмоқда. Мазкур нуфузли тадбир доирасида кеча Тошкент ва Жиззах шаҳарларида “ICTExpo — 2013” халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади.*

INFOCOM - 2013



Ташкилотчиларнинг изоҳлашича, бир пайтнинг ўзида иккита шаҳарда шундай кўргазманинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад ахборот технологияларини ҳаётимизга жорий этишнинг ҳудудий даражаси қанчалик юксалиб бораётганини кенг намойиш қилишдир. Ташриф буюрувчилар бу ерда йўлга қўйилган видеокўприк орқали реал вақт режимида ҳар икки анжуман фаолияти билан яқиндан танишишлари, иштирокчилар томонидан тақдим этилаётган илғор технологиялар ва замонавий хизмат турлари, АКТ соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишлари мумкин.

“ICTExpo — 2013”да мамлакатимиз компаниялари билан бир қаторда, Жанубий Корея, Украина, Хитой, Япония, Германия, Словения ва бошқа давлатларнинг телекоммуникация ускуналари, компьютер технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари, коммуникация хизматлари кўрсатувчи провайдерлари ҳам қатнашаяпти.

Халқаро кўргазмаларда намойиш қилинаётган маҳсулотлар билан яқиндан танишган киши кейинги йилларда юртимиз ва дунё ахборот-коммуникация технологиялари бозори жадал суръатларда тараққий этаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

(Давоми 2-бетда).

## хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ *Урганч шаҳрида брикет ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Хоразм кўмир етказувчи” корхонаси иш бошлади. Банкнинг 2 миллиард 850 миллион сўмлик кредити эвазига бунёд этилган ушбу корхонада йилига 70 минг тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд. Ўз навбатида, бу ерда 50 та иш ўрни яратилди.*

### Арзон ва сифатли ёқилғи

— Инновацион лойиҳа асосида кўмир толқонидан тайёрланаётган маҳсулотларимиз ҳудуд аҳолисига арзон ёқилғи сифатида етказиб берилади, — дейди корхона раҳбари Худойберган Муродов. — Эътиборлиси, брикет фойдаланиш учун қулай. У ёқилгач, ўзидан кул қолдирмайди. Шу билан бирга, маҳсулот таркибида зарарли аралашмалар йўқ.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Гулистон шаҳридаги “Мили Гулистан текстиль” қўшма корхонасида 560 минг АҚШ долларилик модернизациялаш ишлари амалга оширилди.*

### Унумдорлик юқори

Мазкур сармоя эвазига хориждан ип йигирув технологияси келтирилиб ўрнатилди. Пировардида маҳсулот сифати тубдан яхшиланиб, ишлаб чиқариш кўлами кенгайди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган калава ипнинг 95 фоизи экспортга чиқарилмоқда.

— Жорий йил охиригача яна 6 та ип йигирув ускунаси олиб келинади, — дейди қўшма корхона бош директори ўринбосари Равшан Ғаниев. — Мазкур лойиҳа рўёби учун 840 минг АҚШ долларилик банк кредити йўналтирилмоқда. Бу келгусида иш унумдорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Қумқўрғон туманидаги “Сурхон комбинати” масъулияти чекланган жамиятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 4 турдаги юқори босимли темир-бетон қувури ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.*

### Маҳаллийлаштириш самараси

Яқинда корхона қошида банк томонидан ажратилган 380 минг АҚШ долларилик кредит ҳисобига тошни майдалаш цехи ҳам ишга туширилди. Бугунги кунда хориж технологияси билан жиҳозланган мазкур цехда коллеж битирувчиларидан 15 нафари меҳнат қилаётгани диққатга сазовордир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




КОНСТИТУЦИЯ — менинг тақдиримда

*“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”.*

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 53-моддасидан.

## Тараққиётимизнинг муҳим асоси

Бундан беш йил аввал ихчамгина тикувчилик цехи ташкил этгандик. Ўша кезлари беш нафар чевар билан эркак ва аёллар учун либослар тикишни йўлга қўйганмиз. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилиши, соҳа вакиллари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ғайратимизга ғайрат қўшди. Бундан руҳланиб, кўп ўтмай, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўл урдик.

Соғлом рақобат муҳитида бозор талабларини пухта ўрганиб, иш юритадиган ишбилармонларгина муваффақиятга эришиши маълум. Буни фаолиятимиз мезонига айлантирганимиз боис маҳсулотларимиз тез орада харидорлар эътиборига тушди. Буюртмаларимиз кўпайди, даромадимиз ошди. Бу эса мавжуд қувватларни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Шу орада умр йўлдошим билан маслаҳатлашиб, Хитойдан замонавий технология ва жиҳозлар олиб келдик. 90 минг АҚШ доллари миқдоридаги банк сармояси пайпоқ тўқишни ўзлаштиришга йўналтирилди. Имтиёзли кредит уч йилда тўлиқ қопланди. Шундан сўнг молия муассасаси корхонамизга яна 180 миллион сўмлик имтиёзли сармоя ажратди. Бунинг ҳисобига илғор ускуналар харид қилиб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширдик. Ўз навбатида, ишчи-мутахассисларимиз сони 60 нафарга етди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир. Айни пайтда жамоамиз саъй-ҳаракати билан ойига 40 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Ўз кузатишларимдан келиб чиқиб, айтадиган бўлсам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи кўплаб омилларга боғлиқ экан. Шулардан энг асосийси, соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилганидир. Негаки, ҳуқуқ ва манфаатлари мустаҳкам ҳимояланган ишбилармонгина эмин-эркин иш юритиб, меҳнатига яраша даромад топа олади. Шу маънода, энг аввало, Конституциямизда мулк дахлсизлиги ҳамда мулкдорнинг қонуний манфаатлари устуворлиги белгилангани, қонунларимиз, Президентимиз Фармон ва қарорлари асосида тадбиркорлар учун кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратилгани эътирофга лойиқ. Бу — мамлакатимизда инсон манфаатлари энг устувор мезон эканлиги ҳамда барча соҳадаги ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад юртдошларимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганидан далолатдир.

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,**
**Қўрғонтепа туманидаги «Универсал белла» хусусий корхонаси раҳбари.**

## «Изчил ўсиш ва гуллаб-яшнашнинг 22 йили»

*Японияда нашр этиладиган нуфузли “The Japan Times” газетаси саҳифасида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан ана шундай сарлавҳа остидаги мақола эълон қилинди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

Унда мустақил тараққиёт йиллари давомида барча соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритган Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиги алоҳида қайд этилади.

Мақола муаллифининг фикрича, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ривожланишнинг “ўзбек модели” ўзининг самарадорлигини яна бир бор намойиш қилди. Газета ўқувчиларни Ўзбекистондаги ўта қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда мамлакатга сармоялар оқимини оширишга сабаб бўлаётган муҳим жиҳат, яъни чет эллик тадбиркорлар учун яратилган жозибали ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар билан атрофлича таништирган. Хусусан, “Хориж сармояларини рағбатлантириш ҳамда республиканинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналари яратилган бўлиб, мазкур ҳудудларда божхона, валюта ва солиқ имтиёзлари амал қилмоқда” дея қайд этилади нашрда.

Шунингдек, мақолада “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳақида ҳам фикр юритилган бўлиб, ушбу дастур доирасида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида 15,8 мингта янги кичик бизнес субъекти ҳамда 554,4 мингта иш ўрни яратилгани нашрнинг кўп сонли ўқувчиларига маълум қилинган.

Муаллиф Ўзбекистон ва Японияни яқин сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий алоқалар боғлаб туришини таъкидлар экан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Токиога буюрган расмий ташрифига тўхталади. “Ушбу ташриф чоғида Ўзбекистон раҳбари Император Акихито ҳамда Бош вазир, парламентнинг юқори ва қуйи палаталари спикерлари, ташқи ишлар вазири билан учрашди”, деб ёзади у.

Нашрда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги муносабатлар мавзуига мурожаат қилиниб, “Япония либерал-демократик партияси — Ўзбекистон” ва “Япония демократик партияси — Ўзбекистон” парламент дўстлик лигалари иштирокида турли анжуманлар ўтказиш йўли билан бу борадаги алоқалар ҳам фаол ривожланаётгани таъкидланади.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан**

**8,3**

**фоиз кўп мева-сабзавот қайта ишланди.**

**Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни янада модернизация қилиш, етиштирилган маҳсулотларни ҳудудларнинг ўзида чуқур қайта ишлашни кўпайтириш, фермер хўжаликлари қошида замонавий корхоналарни барпо этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида ана шундай ижобий натижага эришилди.**

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

**пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида иш бошлаган “Food Week Uzbekistan — 2013” ва “Agri Tek Uzbekistan — 2013” озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмаларида яққол намоён бўлмоқда**

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА




Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Expo Position” компанияси томонидан ташкил этилган мазкур халқаро анжуманда 30 га яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, Венгрия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Польша, Қирғизистон, Португалия, Хитой, Россия, Словения сингари дунёнинг 12 та давлатидан 20 та компания ва корхона вакиллари қатнашаяпти. Улар томонидан тақдим қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш технологиялари, қадоқлаш ускуналари, экинларни турли зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоялаш воситалари, ветеринария хизматлари, минерал қўшилмалар, қишлоқ хўжалиги техникалари ва бошқа экспонатлар иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли мазкур соҳа жадал ривожланмоқда. Айниқса, ерларнинг фермерлар ихтиёрига берилиши ғалла, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш баробарида, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш имкониятини ҳам кенгайтириб юборди.

(Давоми 2-бетда).



## Ахборот-коммуникация технологиялари:

# ЯНГИЛИКЛАР, ЮТУҚЛАР, ДАСТУРИЙ ИШЛАНМАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зотан, бугун интернет тизими, компьютерлар, мобиль алоқа воситалари кундалик фаолиятимизга шу қадар чуқур кириб бормоқдаки, улардаги ҳар қандай ўзгариш ёки изланиш маҳсули эътибордан четда қолмаяпти.

Тадбирлар асносида айни шу жиҳатлар эътиборга олиниб, ташриф буюрувчилар учун турли семинарлар, маҳорат сабоқлари ва тақдимотлар ташкил этилиши режалаштирилгани бу борадаги халқаро тажриба, хусусан, жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг илғор ишланмалари ҳамда hi-tech янгиликлари хусусида батафсил маълумотга эга бўлиш имкониятини яратади.

— Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган давлатларида бўлгани каби юртимизда ҳам интернет ва мобиль-банкинг хизмати жадал тақдим этилмоқда, — дейди “Click” масъулияти чекланган жамияти директори Улуғбек Рустамов. — Бизнинг компаниямиз ҳам шундай хизмат турини кўрсатиш билан шуғулланади. Бу жуда қулай бўлиб, банкдаги шахсий ҳисоб рақамни интернет тармоғи ёки мобиль телефон ёрдамида бошқариш имконини беради. Масалан, пластик карточка орқали коммунал хизмат учун тўловни амалга оширмоқчи бўлсангиз, банкомат излаб юришингизга ҳожат қолмайди. Шахсий мобиль телефонингиз ёрдамида куннинг исталган пайтида, уйингиздан чиқмаган ҳолда, маблағни тўлашингиз мумкин. Кўргазмага ташриф буюраётганларга айнан мобиль-банкинг хизмати афзалликлари хусусида батафсил маълумот бераяпмиз.

— Биз таклиф этаётган иккита замонавий ахборот-коммуникация тизими кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди “NEWMAX TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамияти директори Иззат Шукуров. — “Maxtrack” деб номланган қурилмамиз ёрдамида корхона ва ташкилотлар ўз ҳайдовчиларининг қаерда эканини, техникаси қанча йўл босганини, қанча ёнилғи сарфлаганини, қисқаси, барча маълумотларни глобал тармоқдаги электрон харита орқали назорат қилиб туриш имкониятига эга бўладилар. “BioTrack” тизими эса ходимларнинг ишга келиб-кетишини бармоқ изи ёрдамида аниқ қайд этиб боради.

Пойтахтдаги кўргазмага ташриф буюрганлардан бири Зафар Алиевнинг айтишича, унга юртимизда ишлаб чиқарилаётган АКТ маҳсулотлари ҳар томонлама маъқул келган.

— Менга “UzTE” бренди остида тайёрланаётган смартфонлар жуда ёқди, — дейди Зафар биз билан суҳбатда. — Сабаби, бу қурилмалар сифати ва дизайнига кўра, хорижникидан асло қолишмас экан. Нархи ҳам ҳамёнбоп.

Жорий йилнинг 27 сентябригача давом этадиган кўргазмалар дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, жумладан, унинг доирасида Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида “Компьютер спорти бўйича “ICT — students” универсиадаси”, “Uzbekistan Cyber Games — 2013” — компьютер ўйинлари бўйича мамлакат чемпионатининг финал босқичи ўтказилади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Маҳалла азалдан тарбия ўчоғи, миллий урф-одат ва анъаналар шаклланган, асрлар мобайнида такомиллашган ўзига хос шарқона бошқарув идораси сифатида ўзини намоён этиб келган. Айниқса, истиқлол туфайли унинг нуфузи юксалиб, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнидаги иштироки кенгаймоқда. Зеро, бугун халқимизнинг маҳалла — халқ виждони, эзгу қадриятлар бешиги, миллий урф-одат ва анъаналар қадр топган маскан каби эътирофлари ўз ҳаётий тасдиғини топмоқда.*

# Маҳалла — ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси

Эътиборлиси, бу тузилма аҳолининг эҳтиёжманд қатламига — боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга, жисмоний имконияти чекланган ва ёлғиз қарияларга чинакам меҳр-мурувват кўрсатиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни кенг ривожлантиришга кўмаклашиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган адолатли ва таъсирчан институтга айланди.

Мазкур тузилма фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилинди. Унга биноан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича бир қатор муҳим ўзгартишлар киритилди. Жумладан, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлари янада кенгайтирилди.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олишнинг ягона тартиби белгиланди. Бунинг жорий этилиши фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олишнинг ягона механизмини таъминлайди.

Аёнки, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунларида тўлов қобилиятига эга юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган тартибда кафил бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Фуқаролар йиғинининг шу ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш вақтида кафил бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги таҳрирдаги Қонунга мувофиқ эса, фуқаролар йиғинига тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, ҳудудда яшаётган фуқароларга иқтисодиёт асоси, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўргатиш, ёшларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш, давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тайёрлаш, кредитлар олишга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказлари ташкил этиш ваколатлари берилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат назоратини самарали ташкил этиш мақсадида Қонунда уни амалга оширишнинг бир қатор шакллари ҳам белгилаб қўйилди. Эндиликда ҳудудда қонун ҳужжатлари ижро этилиши ҳолатини ўрганиш, тегишли чоралар кўриш учун давлат органларига мурожаат қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровномалар юбориш мумкин.

Яна бир янгилик шуки, Қонунда фуқаролар йиғинида тузиладиган асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар белгиланди. Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари комиссияси, Яраштириш комиссияси, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия шулар жумласидандир. Ушбу комиссияларга раҳбарлик қилиш фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари зиммасига юклатилади.

Айтиш жоизки, фуқаролар йиғини кенгашига Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда кам таъминланган оилаларни, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган ёлғиз, кекса фуқаролар ва ногиронларни аниқлаш бўйича қўшимча ваколат берилди.

Умуман, ушбу Қонун маҳалла институти фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини нафақат фуқаролар йиғинлари раисларига, айни чоғда тизимда фаолият юритаётган ҳар бир ходим, жамоатчилик комиссиялари аъзолари, йиғин раиси маслаҳатчилари — йиғиннинг барча фаолларига тушунтириш, унинг ижросини самарали таъминлаш айни муддаодир. Шу боисдан ҳозирги пайтда уларга Қонун ҳақида атрофлича тушунчалар беришга ҳаракат қилаяпмиз, унинг ижросини ташкил этиш бўйича услубий ва амалий кўмак бераяпмиз. Бу уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва юртимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғусини ошириш орқали оилалар тинчлигини таъминлаш ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Нормурод ИСОҚОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлими раиси.**

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмалари эса ўзаро тажриба алмашиш ва тармоққа илғор технологияларни жалб этиш орқали бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, десак, муболаға бўлмайди. Чунки бу ерда таклиф этилаётган ҳар бир маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги жиҳатидан бугунги давр талабларига тўлиқ жавоб беради.

Хусусан, “Экопродукт Азия” компаниясининг вакили Сардор Раҳимовнинг айтишича, улар олиб келган технологиялар юртимиз фермер ва ишбилармонлари учун жуда қўл келади. Австрия ва Германия давлатларидаги “Voran”, “Speidel”, “Smurfit Kappa” сингари машҳур фирмаларнинг ускуналари ёрдамида эса ҳар йили заминимизда етиштириладиган минглаб тонна мева ва сабзавотларни қайта ишлаб, шарбат ҳамда мураббolar тайёрлаш мумкин.

— Чиндан ҳам, юртимиз заминининг саховати чексиз, — дейди “Urug Invest” Ўзбекистон — Сербия қўшма корхонаси бош директори Абдумалик Азимов. — Ер билан тиллашиб, унга меҳрини бериб меҳнат қилаётган деҳқонларимиз бир йилда икки, ҳатто уч мартагача ҳосил олишаяпти. Бизнинг вазифамиз эса уларга яқиндан ёрдам кўрсатишдир. Шу мақсадда бир неча йилдан буён республикамиз фермерларига маккажўхори, соя, кунгабоқар, беда каби ўсимликларнинг уруғларини етказиб бериш билан бирга, уларни кўпайтириш билан ҳам шуғулланаяпмиз. Масалан, бу йил 20 минг гектар ерда такрорий экин сифатида кунгабоқар парваришлаган бўлсак, Тошкент, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг 5 минг гектар майдонига синов тариқасида соя ўсимлигини экдик. Кўргазмада эса фермерларимизга Хитой ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган минитехникаларни тақдим қилаяпмиз. Бу техникалар боғ ва томорқаларга ишлов беришда бир қатор афзалликларга эга.




“Food Week Uzbekistan — 2013” ва “Agri Tek Uzbekistan — 2013” халқаро кўргазмалари жорий йилнинг 27 сентябригача давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ИНТИЛИШ

*Бугун янги ташкил этилган интенсив боғларда бири-бирига суяб ўстирилаётган ниҳолларни кўрсангиз, ажабланманг.*

*Бу Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти агротехника бўлими олим ҳамда мутахассисларининг изланиш ва тажрибалари маҳсулидир.*

# Ҳосил уч баробарга ортади

— Паст бўйли олма ниҳолларини тўсинларсиз ўстириш усулини, ифодали қилиб, “уч оға-ини ботирлар” деб ҳам аташ мумкин, — дейди муассаса катта илмий ходими Абдураззоқ Рихсиев. — Гап шундаки, эрта кўкламда уч туп ниҳол оралиғи 60 сантиметрли учбурчак шаклда экилади. Август ойига боргач, баравж ривожланаётган ниҳолларнинг айрисимон новдалари бири-бирига тиргович қилиб боғланади. Шу тариқа улар кучли шамол ва бўрондан ишончли ҳимояланади.

Бугун институт тажриба майдонида худди шу усулда олманинг Европадан келтирилган паст бўйли пайвандтаглари асосида кўчат қилинган “Гранасемит” нави ўстирилмоқда. Ниҳоллар иккинчи йилнинг ўзидаёқ ҳосилга кирди.

Албатта, энг асосий гап мазкур усулнинг иқтисодий самарадорлигидадир. Аввало, анъанавий экиш усулига кўра, ҳар гектар интенсив боғга 1200 донагача кўчат экилса, янги усулда улар сони уч баробарга кўпаяди. Бу мос равишда гектар ҳисобига олинадиган ҳосилни ҳам оширади. Иккинчидан, шунча майдондаги ниҳолларни симга тортиш учун ўртача 600 дона темир-бетон устун, 200 килограммдан зиёд металл сим талаб этилса, эндиликда бунга мутлақо ҳожат қолмайди.

Айни пайтда институт олимлари худди шу усулда гилос ўстириш устида ҳам изланиш олиб бормоқдалар. Бунинг учун паст бўйли пайвандтаглар асосида гилос ниҳоллари ўстирилмоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИЗ ВА ЖАҲОН

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Индонезиядаги дипломатия миссияси томонидан Жакартада расмий тантанали қабул маросими ўтказилди. Индонезия қишлоқ хўжалиги вазири Азераф Сусвоно ушбу муҳим тадбирнинг фахрий меҳмони бўлди.*

# Жакартада қабул маросими

Қабул маросимида Индонезиянинг турли вазирлик, идоралари ва ушбу мамлакат парламенти вакиллари, Жакартада аккредитациядан ўтган хорижий давлат элчихоналарининг ходимлари, жамоат арбоблари ва йирик компаниялар раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Тадбир чоғида Гунадарма университетида таҳсил оладиган талабалардан иборат мусиқий жамоа томонидан ўзбек тилида мамлакатимизнинг миллий мадҳияси ижро этилди. Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эришган замонавий муваффақиятлари ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиши маросимга алоҳида шукуҳ бағишлади.

Учрашувда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ва уларнинг кенг кўламли самаралари ҳақидаги атрофлича маълумотлар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ҳамда халқаро миқёсда ривожланишнинг “ўзбек модели” номини олган тараққиёт стратегияси туфайли иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари ва аҳоли фаровонлигининг юксалиши таъминланаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатдаги барқарор тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, шунингдек, инсон манфаатларини таъминлаш йўлида кенг миқёсда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда халқаро ҳамкорлик алоқалари сингари омиллар Ўзбекистоннинг изчил тараққиёти асосини ташкил этиши билан боғлиқ ахборотлар тадбир меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Қабул маросими доирасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жабҳадаги ютуқлари, “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ижроси, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, ўзбек халқининг бетакрор анъаналари ва бой маданий-тарихий меросига бағишланган суратлар кўргазмаси ташкил этилди.

**Индонезия қишлоқ хўжалиги вазири Азераф Сусвоно** мамлакат ҳукумати номидан ўзбекистонликларни мустақилликнинг 22 йиллиги билан табриклар экан, барқарор тараққиёт йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилади. Унинг эътирофича, Ўзбекистоннинг дунё давлатлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамланиши мамлакатнинг минтақавий ҳамда умумбашарий жараёнлардаги ўрни ва аҳамиятининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда маданий мерос ва кўҳна анъаналарни тиклаш борасида мамлакатимиз салмоқли натижаларга эришганини қайд этар экан, А. Сусвоно маънавий қадриятларнинг яқинлигига асосланган Ўзбекистон — Индонезия муносабатларининг замонавий ҳолати ва истиқболларини юксак баҳолади.

— Индонезия Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг муҳим давлати деб ҳисоблагани ҳолда, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоридир, — деди у. — Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг стратегик муҳим йўналишларидан бири аграр жабҳага тегишлидир. Шу маънода, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш соҳасидаги инновацион технологиялар алмашинуви долзарб аҳамиятга эга.

**Индонезия соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, доктор А. Мукти** Ўзбекистон ҳукумати томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига қаратилаётган эътибор хусусида алоҳида тўхталди. У юртимиз тиббиёт муассасалари фаолиятига ҳамда уларнинг моддий-техникавий жиҳатдан таъминланишига юқори баҳо берди.

**“Tifar Holding Company” компанияси президенти К. Алатас** мамлакатимиз бўйлаб амалга оширган сафари ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон заминида жойлашган бетакрор тарихий обидалар, республикамизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар, тиббий хизмат кўрсатишнинг юксак даражаси ва юртимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти ўзида катта таассурот қолдирганини айтди.

**Индозения Савдо вазирлиги ҳузуридаги Савдо сиёсати ва тараққиётини таҳлил қилиш агентлиги вакили Л. Кристофел** мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, бу жабҳадаги ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш икки давлат ишбилармонлари учун янги имкониятлар яратишини қайд этди.

**«Жаҳон» АА.**
Жакарта

# «Изчил ўсиш ва гуллаб-яшнашнинг 22 йили»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида 1994 йили ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари салмоқли ўрин тутмоқда, — деб ёзади муаллиф. — Япониянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги ва Япония ташқи савдо ташкилоти, Ўзбек — япон маркази, шунингдек, қатор япон компаниялари Ўзбекистонда фаолият олиб бормоқда. Самарқанддаги автомобиль заводида “Исузу” русумли автобуслар ва юк машиналарини ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани ўзаро яқин ҳамкорликни тасдиқлайдиган далиллардан биридир”.

Шунингдек, нашрда “Ўзбекистон — Япония” дўстлик жамияти, “Фукушима — Ўзбекистон”, “Фукуока — Ўзбекистон”, “Марказий Осиё — Гунма” дўстлик уюшмалари, “Маданият карвонсаройи” илмий-ижодий марказидаги “Хиросима тинчлик тоши”, “Тинчлик қўнғироғи” сингари муассасаларнинг фаолияти туфайли икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар муносабатлар ҳам ривожланиб бораётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

“Буюк Ипак йўлидаги тарихий шаҳарларнинг жозибадорлиги, шунингдек, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг “Тошкент — Токио — Тошкент” йўналиши бўйлаб мунтазам ҳаво қатновлари Япониядан Ўзбекистонга борадиган сайёҳлар оқимининг изчил ортишига кўмаклашмоқда”, дея ёзилади япон нашрида.

Мақола интиҳосида Ўзбекистонда муваффақиятли равишда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатда ҳукм сураётган барқарорлик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, шунингдек, икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустаҳкам асоси Япония — Ўзбекистон икки томонлама стратегик ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга кўмаклашиши алоҳида қайд этилади.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Испаниянинг “Telefonica” алоқа оператори келаси йилнинг январь ойида “Telco” холдингидаги ўз капиталини 46 фоиздан 66 фоизга оширишни мўлжалламоқда.*

### Келишувга эришиш осон эмас



Бунинг учун у 324 миллион евро миқдорида сармоя киритади. Ушбу маблағ “Telco”нинг қарзларини қоплаш учун йўналтирилади. Экспертларнинг таъкидлашича, “Telefonica” мақсадига осонлик билан эриша олмаслиги мумкин. Негаки, “Telco” Италиянинг “Telecom Italia” алоқа операторига тегишли бўлиб, мазкур масала юзасидан келишувга эришиш учун нафақат Европа Иттифоқи, балки Бразилия ва Аргентинанинг монополияга қарши ташкилотлари розилиги ҳам олиниши керак.

### Кучли зилзила

*Покистонда 7,7 балли зилзила содир бўлди. Оқибатда 327 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, яна 400 киши тан жароҳати олган.*




Айтиш жоизки, бу қурбонлар сони бўйича якуний хулоса эмас. Чунки табиий офат маркази деб қайд этилган Белужистон музофотидаги қарийб саксон фоиз бино ва тураржойлар вайронага айланган. Улар остида яна кўплаб одамлар қолиб кетгани тахмин қилинаяпти. Транспорт-коммуникация тармоқлари ишдан чиққан. Бундан ташқари, ер силкинишидан сўнг мамлакатдаги Гвадар порти яқинида узунлиги 100, баландлиги эса 9 метрга тенг орол пайдо бўлган.

### Панжара ортидаги музей

*Франциянинг Рео шаҳридаги қамоқхона биносидан энди музей сифатида фойдаланилади.*



Бунинг учун мажмуа реконструкция қилиниб, унинг экспозициясига 89 та ноёб картина нусхаси қўйилди. Бу ерга фақат қамоқхоналар хизматчилари ва жазо муддатини ўтаётган маҳбуслар саёҳат уюштириш ҳуқуқига эга. Оддий аҳоли вакиллари музейга қўйилмайди.

### Саратондан сақланинг

*Буюк Британиянинг Брэдфорд университети олимлари татуировка чизишда қўлланиладиган сиёҳлар таркибида саратон касаллигини келтириб чиқарувчи симоб ва кобальт каби зарарли унсурлар борлигини аниқлашди.*

Буни худди шу соҳада изланишлар олиб борган даниялик мутахассислар ҳам тасдиқламоқда. Бунгача ўтказилган тадқиқотларда эса шундай бўёқлар лимфа тугунларининг тиқилиб қолиб, инсон иммунитетини пасайтириб юбориши ҳам аниқланган эди.

### Ёмғир ва фожиа

*Боливияда йўловчиларни олиб кетаётган автобус қияликдан ағдарилиб тушди.*

Пойтахт Ла-Пас шаҳридан 100 километр узоқликда юз берган ушбу кўнгилсиз воқеа оқибатида 13 киши ҳалок бўлган, яна 27 киши тан жароҳати олган.

Ҳуқуқ-тартибот идораси вакилининг изоҳлашича, фожиа кучли ёмғирдан ҳосил бўлган сел туфайли келиб чиққан. Яъни юзаси сув билан қопланган йўлда транспорт воситасини бошқариб кетаётган ҳайдовчи хавфли бурилишлардан бирида тизгинни қўлдан чиқариб юборган.

### Филларга ҳужум

*Зимбабве миллий паркида филларнинг оммавий қирғинига сабаб бўлган воқеа юзасидан текширув олиб борилмоқда.*



Гап шундаки, бу ерда кучли заҳарланиш натижасида 81 жонивор нобуд бўлган. Аниқланишича, ушбу воқеа қасддан уюштирилган. Шу боис тўққиз нафар браконьер гумон сифатида қўлга олинди. Агар уларнинг айби исботланса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Манбага кўра, қора бозорда филларнинг тишига талаб ниҳоятда юқори. Шунинг учун улар браконьерларнинг қурбонига айланмоқда. Масалан, олдинроқ 40 та филни заҳарлаб ўлдирган беш нафар жиноятчи қўлга олинган эди.

Зимбабве миллий парки ушбу йирик жониворларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган дунёдаги камсонли мажмуалардан бири ҳисобланади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

ИСЛОҲОТ

*Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланди. Бу майдонда бунёдкорлик ишларининг кўлами қанчалик кенг ва бекиёс эканлиги кун сайин чирой очиб бораётган қишлоқлар ва маҳаллалар тимсолида яққол намоён бўлмоқда.*

# Қишлоқларнинг замонавий инфратузилмаси

## аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда

— Қишлоқ аҳолисига мўлжалланган намунали тураржойлар миллий ва замонавий меъморчилик услублари уйғунлаштирилган ҳолда тикланганi ҳаммамизга маъқул, — дейди Олтинкўл туманидаги Кўмакай мавзеида истиқомат қилувчи Турсунали Юнусов. — Ўғилларим Абдулазиз ва Сирожиддиннинг никоҳ тўйларини шу янги уйда ўтказдик. “Баркамол қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти қурувчиларига раҳмат. Негаки, хоналар нафақат кенг ва ёруғ, балки уларнинг пардози ҳам дид билан, кўнгилдагидек бажарилган. Ошхонада табиий газ гуриллаяпти. Очиғи, илгари бундай уйларда яшаш ҳатто тушимизгаям кирмаган эди. Халқимиз фаровонлигини ўйлаб, шундай эзгу ишлар ижросига бош-қош бўлаётган Президентимиздан миннатдормиз!

— Бундай муҳташам мавзеда униб-ўсаётган болаларнинг кўча-кўйда ҳам, уйда ҳам юриш-туриши ўзгаради, маданиятли, ақлли, хушмуомала бўлиб қолади, — дея суҳбатга қўшилади кекса муаллим Набижон ака Турғунов. — Энг муҳими, ярқираб турган бино, кенг ва ёруғ хоналар, компьютер жиҳозлари — буларнинг бари уларнинг кўнглини тоғдек кўтариши баробарида, ҳар бирининг қалбида она-юртга меҳр-муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини уйғотади.

Дарҳақиқат, бугун шаҳар тусини олган Кўмакайда “Ихтисослашган Шаҳрихон қурилиш”, “Анд кошинкор”, “Мираж элегант” масъулияти чекланган жамиятларининг қурувчилари намунавий лойиҳалар асосида барпо этган 58 та уй-жой қаторида савдо, сервис, маиший хизмат шохобчалари ҳам узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди.

— Маҳалламиз идорасининг биноси янги уйларга монанд бўлишига эътибор қаратдик, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Дилхушбек Мирзабахромов.

Шу билан бирга, намунали массивларда 28,1 километрлик ичимлик суви, 12,8 километрлик электр энергияси тармоқлари тортилиб, 16,9 километрлик ички йўллар қурилди. 10 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, бозор, нон пишириш цехи ишга туширилди.

Мухтасар айтганда, Андижон вилояти қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида 2010 йилда 620 та, 2011 йилда 665 та, 2012 йилда 770 та тураржой қурилиб, ўз эгаларига топширилган бўлса, Обод турмуш йилида 900 та оила бундай замонавий қулайликдан баҳраманд бўлади.



Зеро, бунёд этилган замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, ўқув даргоҳлари, шифохоналар, боғу хиёбонлар, намунавий лойиҳалар асосида, ўзига хос меъморий усулда қурилган тураржойлар бугун барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Автомобилсозлар шаҳри — Асакага олиб борувчи магистраль йўл ва унинг икки четида қад ростлаган муҳташам биноларни халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёркин тимсоли, десак, муболаға бўлмайди. Бор-йўғи бир йилнинг ўзида бу ердаги Шинам, Карвонсарой, Умид, Имом Бухорий кўчалари таъмирланиб, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви тармоқлари тортилган бўлса, Хўжаобод ҳамда Олтинкўл туманлари марказий кўчаларининг бўйларида барча қулайликка эга уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Кўчаларнинг ёритиш тизими ва электр тармоқлари янгиланиши ҳамда табиий газ қувурларининг ер остидан ўтказилиши натижасида эса ушбу масканларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Айни кунларда Пахтаобод, Қўрғонтепа, Андижон туманларининг марказий кўчаларида ҳам ана шундай ишлар изчил давом эттирилмоқда, тўпланган ижобий тажрибалар бошқа ҳудудларда ҳам кенг қўлланилаётир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ТАДБИРКОРЛИК

# Оилавий корхона

Навбаҳор туманида мебель, темир дарвоза ва панжаралар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Фароғат-Файз” оилавий корхонаси иш бошлади. Ушбу лойиҳа рўёби учун 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

— Замонавий дастгоҳлар ёрдамида уй-рўзғор буюмлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз, — дейди оилавий корхона раҳбари Умрзоқ Тўқсонов. — Ҳозирги кунда ўн кишилик жамоамиз билан буюртмаларни ўз вақтида бажараяпмиз.

Эътиборли жиҳати, тез орада корхона қошида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам ишга туширилади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ИЗЛАНИШ

*Жорий йилда ташкил этилган “Ховос тош индустрия” масъулияти чекланган жамиятининг бетонбоп тош ишлаб чиқарувчи заводи Сирдарё вилоятидаги барча бунёдкорлик жамоаларини ана шу турдаги қурилиш ашёси билан тўлиқ таъминлаш қувватига эга бўлди.*

# Маҳсулот таннархи пасайди

Гап шундаки, авваллари бетон қоришмаси тайёрлаш учун фойдаланиладиган қайта ишланган тош узоқ масофадан ташиб келтирилиши натижасида қимматга тушар эди. Қарийб 300 миллион сўм эвазига Ховос туманида қурилган мазкур завод эндиликда 35 та қурилиш ташкилотига ўз маҳсулотини етказиб бермоқда. У хориж ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, соатига 40 куб метр қурилишбоп хом ашё тайёрлаш қувватига эга. Унда ҳозирча икки турдаги майдаланган тош ишлаб чиқарилмоқда.

— Келгуси йилдан бошлаб темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқчимиз, — дейди “Ховос тош индустрия” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Шерзод Очилов. — Умумий қиймати 3 миллиард 200 миллион сўмлик мазкур лойиҳа рўёбга чиққач, яна 60 та иш ўрни яратилади.

**Ш. АҲМАДАЛИЕВ.**

---

● Реклама ва эълонлар ●




«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ЖИБ Олмазор тумани судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м., фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 129 047 025 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 11 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

1635R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**

**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

*Маҳсулот сертификатланган*

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

33R/770

«ELITE STARS TEXTILE» МЧЖ

**ўзида ишлаб чиқарилаётган қуйидаги маҳсулотларни сотиш учун тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этади:**

**Калава ип:**
— Nm 34/1 Калава ип;
— Nm 34/1 Калава ип (нестандарт).
**Пахта чиқиндилари:**
— Стандарт - I (мычка);
— Стандарт - 3 (очёс трёпальный);
— Стандарт - 3/1 (орешек трёпальный);
— Стандарт - 7 (очёс кардный);
— Стандарт - 33 (пух);
— Стандарт - 36 (путанка).

*Маълумот учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин.*

**Манзил: Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 3-уй.**
**Тел.: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98.**
**Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: uzpsbinvest@gmail.com ва psbinvest@gmail.com**
**Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.**
**«Elite Stars Textile» МЧЖ**
**Тел.: (+99891) 376-25-45. Факс: (8-361) 554-21-10.**
**E-mail: elitestarstextile@mail.ru**

1254R/723

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси **«шўъба корхона»** ташкилий-ҳуқуқий шаклидан Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси **«давлат идораси»** ташкилий-ҳуқуқий шаклига ўтганлигини маълум қилади.

**Маълумот учун телефон: (8-371) 238-42-82.**

1639R/942

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

# Мақсадимиз — баркамол авлодни тарбиялаш



*Мустақиллик йилларида юртимизда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътибор янада ошди. Бунинг бир мисоли сифатида мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам барча шарт-шароитга эга бўлган кўплаб спорт иншоотлари қурилиб, ёшлар ихтиёрига берилаётганлигини айтиш мумкин.*

## 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Ёшлигимдан спортга ошно тутиндим. Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ устозлардан миллий кураш сирларини ўрганиб, тўй ва мусобақаларда курашга тушдим. Талабалик йилларимда ҳам Ўзбекистон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлдим. Кўплаб халқаро турнирларда иштирок этдим. Қишлоққа қайтгач, тажрибаларимни ёшларга ўргатишни ният қилдим. Ҳозирги кунда болаларга миллий курашдан сабоқ бериб келмоқдаман.

Мен мураббийлик қилаётган "Лочин" спорт мажмуасида бугунги кунда юздан зиёд қишлоқ қизлари машғулотларга қатнайди. Шогирдларим орасида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада ўйинлари ғолиблари ҳамда мамлакат, қитъа, жаҳон чемпионлари бор. Шоҳиста Сафарова, Шаҳноза Оқбўтаева ва яна ўнлаб қишлоқ қизлари воҳамиз фахри ҳисобланишади. Мустақиллик боис илгари орзу бўлиб кўринган нарсалар энди ҳақиқатга айланди. Масалан, 2010 йилда тўрт нафар курашчи қизимиз Деҳлида бўлиб ўтган кураш бўйича VI жаҳон чемпионатида қатнашиб, улардан уч нафари мусобақанинг кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди. 2011 — 2012 йилларда эса улар самбо, дзюдо, кураш бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпионати ва қитъа биринчиликларида зафар қучишди.

Биз, мураббийлар шогирдларимиз эришаётган ҳар бир муваффақиятдан қувонамиз. Айниқса, "Баркамол авлод — 2011" спорт мусобақасининг тантанали очилиш маросимида унинг машъаласини стадионга олиб киришдек шарафли вазифа шогирдим Шоҳиста Сафаровага топширилганида, қувончимнинг чеки бўлмади.

Шогирдлар тайёрлаб, уларнинг ортидан раҳмат эшитиш — ҳар бир мураббийнинг орзуси. Шу ўринда фахр ва ифтихор билан айтишим мумкинки, Ўзбекистонимизда спортни қадрлаган, уни севган ўғилми-қизми, албатта, доимо эътиборда, ардоқда.

Замонавий спорт мажмуамизда барча шароит яратилган. Бу ерда қишлоқ ёшлари курашдан ташқари, спортнинг бокс, самбо, дзюдо, каратэ, волейбол турлари бўйича олиб борилаётган машғулотларда фаол иштирок этишмоқда.

Бугун воҳамиздаги мактабларнинг деярли ҳаммасида қишки спорт заллари, қўл тўпи ва футбол майдонлари мавжуд. Истиқлол йилларида кўплаб сув ҳавзалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабларда спорт секциялари ишлаб турибди. Уларда ўқувчиларнинг 45-50 фоизи ўзлари истаган спорт турлар билан машғулотлар ўташмоқда.

Сир эмас, мамлакатимизда ёшларимиз учун яратилган шароитларга, эришаётган муваффақиятларимизга қўшни давлатлар мураббийлари ва ёшларининг ҳаваси келади. Демак, эндиликда бундан-да юксакроқ марраларни забт этмоғимиз зарур.

**Файзулло АЛИҚУЛОВ,**
**Денов туманидаги 4-умумтаълим мактабининг миллий кураш бўйича мураббийи.**



*Тиббиёт соҳасининг бирламчи бўғини — қишлоқ врачлик пунктлари бугун аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг ишончли қўрғонига айланган. Эндиликда энг зарур диагностика воситалари билан жиҳозланган, малакали шифокорлар меҳнат қилаётган бу муассасаларда олиб борилаётган даволаш-профилактика ишлари сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилиб бораётир.*

# МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

## эл саломатлигини муҳофаза қилишнинг муҳим омилидир

ЖАРАЁН

Буни Қўшработ туманидаги 21 қишлоқ врачлик пункти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Самарқанд вилояти марказидан 145 километр, туман марказидан 45 километр олисда жойлашган "Қўштамғали" қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги энг намунали тиббиёт муассасаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда 5444 нафар аҳолига хизмат кўрсатаётган мазкур ҚВПда 2 нафар шифокор, 15 нафар ўрта махсус тиббиёт ходими меҳнат қилаётир. Муассаса кундузги стационар, стоматология хонаси ҳамда дорихонага эга. УЗИ, ЭКГ каби илғор тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.



— Бир пайтлар оддий хасталикка ташхис қўйиш учун ҳам туман ёки вилоят марказига боришга тўғри келарди, — дейди ҚВП мудири Ўсарбой Сулаймонов. — Шу туфайли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини назорат қилишда жиддий муаммолар юзага келарди. Баъзи беморлар масофа узоқлиги боис, биринчи тиббий ёрдамни ололмай, соғлиғи хавф остида қолгани ҳақида ҳам эшитганмиз. Эндиликда эса вазият тамомила бошқача. Тоғ ва қир-адирлар орасида жойлашган қишлоқ врачлик пунктимизда барча замонавий шарт-шароитлар муҳайё. Имкониятларимиз кенг. Тиббий жиҳозларимиз етарли.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар чекка ва олис қишлоқларни ҳам тўлиқ қамраб олмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида "Қўштамғали" қишлоқ врачлик пунктида 1571 нафар туғуруқ ёшидаги аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Турли касалликлари аниқланган 553 нафар аёл соғломлаштирилди. Бинобарин, 18 ёшгача бўлган 1757 нафар боланинг саломатлиги ҳам доимий назоратда. Қолаверса, аҳоли ўртасида тиббий тарғибот ишлари мунтазам амалга оширилаётгани натижасида кейинги уч йилда ҳудудда оналар ва болалар ўлими қайд этилмади.

Дарвоқе, бугун ҚВПда электр таъминоти ҳам ижобий ҳал этилган. Ўтган йили муассасага қуёш батареяси ўрнатилгач, тиббий ускуналарнинг муқобил энергия манбалари асосида узлуксиз ишлаши, хоналарнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши таъминланмоқда. Бу эса ҳудуд аҳлига ва ҚВП ходимларига қўшимча қулайлик туғдираяпти.

— Айни пайтда Самарқанд вилояти аҳолисига 570 та даволаш-профилактика муассасаси малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Баҳром Эгамбердиев. — Хусусан, ўтган йилларда 170 та қишлоқ врачлик пункти замонавий биноларга эга бўлди. Бундан ташқари, уларга "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида қарийб етти миллиард сўмлик сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда инсон манфаатлари устувор эканлигининг амалий ифодасидир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

*Таэквондо (WTF) бўйича Челябинск шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бешта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.*

# Олимпиада сари дастлабки қадам



Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг йигирма етти давлатидан қатнашган 1500 нафардан зиёд спортчилар совринли ўринлар ҳамда 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган навбатдаги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун баҳсларга киришди.

Катталар ўртасидаги беллашувларнинг ҳал қилувчи босқичида таэквондочиларимиздан Жасур Бойқўзиев озарбайжонлик Жейхун Ҳасанлини 7:2, Максим Рафалович эса россиялик Сергей Дозорцевни 5:3 ҳисобида енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Хотин-қизлар мусобақасида Гўзал Норбобоева фақат финалдагина рақибига имкониятни бой берди. Шу тариқа уч нафар спортчимиз Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун дастлабки рейтинг очколарига эришди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Ниёзбек Пўлатов ва Руслан Шин ўз вазн тоифасида энг кучли спортчи сифатида эътироф этилди.

55 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги қизлар беллашувида қатнашган Нигора Турсунқулова ярим финалда россиялик Кристина Молутинани йирик 6:0, финалда эса қозоғистонлик Арузхан Абдуқодирни 15:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, халқаро турнирда ҳамюртларимиздан Комила Акбарова кумуш, Раъно Бойбўтаева, Динорахон Мамадиброҳимова ва Валентин Хегай бронза медалларига сазовор бўлди.

# «Бунёдкор» — Ўзбекистон кубоги соҳиби

**Пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий стадионида футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди.**

Унда Қаршининг "Насаф" ва Тошкентнинг "Бунёдкор" клублари бош соврин учун кураш олиб борди.

Қайд этиш жоизки, ўйиндан олдин мухлису мутахассислар совринни қўлга киритиш учун жамоаларнинг имкониятларини тенг баҳолашган эди. Баъзилар эса баҳсда қаршилик футболчиларнинг ғалабасини ҳам башорат қилишганди. Бундай тахминлар билдирилишига ўзига хос сабаблар бор эди, албатта. Хусусан, ўтган йили мамлакат кубоги финалида мазкур икки жамоа ўзаро рўбарў келиб, унда "Бунёдкор" ғалаба қозонган. Шу боис "Насаф" мухлислари бу сафар ўша мағлубият учун реванш олинишига умид қилишганди. Аммо таркибида тажрибали футболчиларни жамлаган "Бунёдкор" тенг курашлар остида кечган ўйинда 2:1 ҳисобида зафар қучди. Учрашувда тошкентликлар ҳужумчиси Олександр Пишур томонидан киритилган икки голга "Насаф" ярим ҳимоячиси Илҳом Юнусов битта аниқ зарба билан жавоб қайтарди.

Шу тариқа "Бунёдкор" Ўзбекистон кубоги мусобақасида тўртинчи маротаба бош совринни қўлга киритди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## ҚУЛАЙЛИК

*Қибрай туманидаги "Бўстон" сиҳатгоҳи Бўзсув соҳилидаги хушманзара гўшада жойлашган. Яқинда бу ерда замонавий андозадаги оилавий коттежлар мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

# «Бўстон»да бунёдкорлик

Ҳар бири 2 ва 3 хонали тўққизта коттеждан иборат ушбу мажмуа сиҳатгоҳнинг ўз ички имкониятлари эвазига барпо этилди. Унинг ишга туширилиши билан муассасада бир вақтнинг ўзида 220 кишига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти юзага келди. Унинг ҳудудидаги боғ ва хиёбонлар ландшафт дизайни асосида кўкаламзорлаштирилгани эса дам олувчиларга хушкайфият бағишламоқда.

Шунингдек, яқинда сиҳатгоҳга бош мия, юрак, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари касалликларини даволашда қўл келувчи сўнгги русумдаги ташхис ва даволаш анжомлари ҳам келтирилди.

**F. РАҲМАТИЛЛАЕВ.**

● Реклама ва эълонлар ●


*Ҳурматли тадбиркорлар!*

ASAKA BANK

**«Асака» банки (ОАЖ)**

**«Export Import Bank of Korea» (Жанубий Корея) ҳамда «Commerzbank AG» (Германия) кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади.**

**Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари**

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа |
| **Қарздор** | ***«Export Import Bank of Korea» (Жанубий Корея) кредит линияси бўйича:*** «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Корея Республикаси капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Корея Республикаси капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки Корея Республикаси капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар. ***«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:*** Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредитлардан мақсадли фойдаланиш** | ***«Export Import Bank of Korea» (Жанубий Корея) кредит линияси бўйича:*** Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялар учун: — ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш; — стратегик инвестициялар. ***Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун:*** — ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; — ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш. «Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58.**

***«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!***

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

1636R/15

EKF electrotechnica
www.elektrotovar.uz

**ООО «MEGA-ELECTRO» — эксклюзивный дистрибьютор компании EKF в Узбекистане**

- Выключатели автоматические, устройства защитного отключения, выключатели нагрузки, устройства защиты от импульсных перенапряжений, таймеры (различное дополнительное оборудование)
- Силовые автоматические выключатели (с электроприводом и без, номенклатурный ряд до 5 000 А)
- Контакторы (контакторы, пускатели, автоматы пуска двигателя)
- Аппаратура измерения (трансформаторы тока) и аппаратура управления (реле контроля фаз, реле промежуточное, кнопки управления, переключатели кулачковые)
- Стабилизаторы напряжения и распределительные устройства
- Силовая аппаратура (предохранители плавкие, выключатели-разъединители, разъемы силовые)
- Корпуса электрощитов и монтажное распределительное оборудование
- Изоляторы высоковольтные
- Электроустановочные изделия и удлинители
- Светотехнические изделия и автоматизация систем освещения
- Частотные преобразователи
- Приводная техника (редукторы, мотор-редукторы, сервоприводы)



Гарантия — 5 лет

**ОПТОМ И В РОЗНИЦУ**

Товар сертифицирован
Лицензия №006196

Тел. (99871) 150-18-81. Факс (99871) 216-77-74. E-mail: marketing.me@mail.ru, info@megaelectro.uz

1047R/620

**«MAXLAS» МЧЖ**

**боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини дорилашда фойдаланиладиган**

**моторли пуркагичнн**

**таклиф этади.**

**Моторли пуркагич бир дақиқада 4 литр суюлтирилган кимёвий ҳамда 6 килограмм кукунли дори воситаларини сепиш қувватига эга.**

*Тўлов — исталган шаклда.*



Мурожаат учун телефонлар:
**(+99895) 170-17-56,**
**(+99895) 177-17-56.**
Факс: **(8-371) 234-62-33.**
E-mail: **maxlas62@mail.ru**

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА.

1207R/724



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.10 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5